



« 5 » апрель 2019 у.

№ 245-Ф

Toshkent sh.

Тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликларига риоя қилиш, ходиса жойини кўздан кечириш, тергов ҳаракатларини ходиса содир бўлган жойнинг ўзида инновацион техника воситаларидан фойдаланган ҳолда сифатли ва тўла амалга ошириш, жиноятларнинг “иссиқ изи”дан фош этишини таъминлаш мақсадида:

1. 2019 йил 1 июнга қадар ички ишлар ва прокуратура органларининг тергов-тезкор гурухлари 1 ва 2-иловаларга мувофиқ маҳсус автотранспорт воситалари билан таъминлансин.

2. Куйидагилар маҳсус автотранспорт воситаларини харид қилиш ҳамда уларни жиҳозлаш манбалари этиб белгилансин:

ички ишлар органлари учун – Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маҳсус жамғармаси маблаглари;

прокуратура органлари учун – Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси маблаглари.

3. Истисно тариқасида, тергов-тезкор гурухлар учун автотранспорт воситаларини, уларни жиҳозлаш учун зарур асбоб-ускуналар, компьютер техникасини, алоқа воситаларини, учувчисиз учадиган аппаратларни, техник воситаларни, уларнинг эҳтиёт ва бутловчи қисмларини ҳамда бошқа зарур моддий-техника ресурслари етказиб берувчиларни, шунингдек, маҳсус автотранспорт воситаларини жиҳозлаш бўйича ишларни амалга оширувчи ташкилотларни тендер (танлов) савдолари ўтказмасдан энг яхши таклифларни танлаб олиш асосида аниқлашга рухсат берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ички ишлар вазирлигига ҳамда Бош прокуратурага:

маҳсус автотранспорт воситалари ҳаракатини GPS-навигациядан фойдаланган ҳолда мониторинг қилиш тизимини;

ходиса жойида тергов-тезкор гурухлари томонидан амалга оширилаётган тергов ҳаракатларини реал вақт режимида кузатиш тизимини жорий қилишга кўмаклашсан.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига ва Бош прокуратурасига тергов-тезкор гурухлари фаолияти доирасида кўллаш учун видеорегистраторли учувчисиз учадиган аппаратларни харид қилиш, олиб кириш ва улардан фойдаланишга рухсат берилсин.

6. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов